Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги

Тошкент Ахборот
технологиялари университети
ва Самарқанд филиали





# ЗАМОНАВИЙ ФАН ВА ТЕХНИКА РИВОЖИДА АХБОРОТ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Республика илмий-техник
конференциясининг
материаллари тўплами

2015 йил 11-12-сентябр



Самарқанд-2015

natijasida inson, uning zamonaviy dunyoda tutgan o'rni masalalarini qayta ko'rib chiqish zarurati paydo bo'ladi. Chunki, informatsion jamiyatda insonning o'z-o'zini namoyon qilishi uchun yangi imkoniyatlar va to'siqlar paydo bo'ladi"[6]. Ya'ni, informatsion jamiyatning o'ziga xos jihatlaridan biri shundaki, bunda insonning butun dunyo bilan integratsiyalashuvi sodir bo'ladi. Inson bir butun informatsion oqimning a'zolaridan biriga aylanadi. Butun jahon informatsion tizimning (masalan, internet, xalqaro axborot tarmog'ining) faol a'zosiga aylanadi. Ushbu integratsiyalashuvning bir-biriga qarama-qarshi bo'lgan ikki jihati mavjud. Bir tomondan xalqlarning yashash darajasi, ishlab chiqarish usullari va vositalari, hayot tarzi bir-biriga yaqinlashadi. Masalan, bundan bir asr muqaddam Markaziy Osiyo xalqlarining turmush tarzi va darajasi, ishlab chiqarish usullari va vositalari, mehnat, aloqa usullari va vositalari g'arb xalqlarinikidan tubdan farq qilgan. Bugungi kunda esa, dunyoning barcha hududlarida yashovchi xalqlar deyarli bir xil darajadagi texnik, aloqa, va mehnat vositalaridan va usullaridan foydalanishmoqda. Bu albatta ijobiy holat. Chunki, ma'lum xalqlarning rivojlanib, boshqalarining qoloq bo'lib yashashi, tarixga aylandi. Ikkinchi tomondan esa, integratsiyalashuv, milliylik chegaralarini buzmoqda. Integratsiyalashgan dunyoda xalqlarni bir-biridan farqlab turuvchi o'ziga xoslik yo'qolib boradi. Informatsion jamiyatning kuchayishi, jamiyatda xaosning kuchayishiga, ijtimoiy institutlarning ahamiyatini kishilar hayotida sussayishiga, kishilardagi javobgarlik xissini pasayib borishiga olib kelmoqda"[7]. Bu yerda asosiy urg'uni "javobgarlik xissi", tushunchasiga qaratmoqchimiz. Chunki, zamonaviy jamiyatda axborot tarqatuvchilarda va axborot qabul qiluvchilarda javobgarlik xissi kamayib bormoqda. Tarqatilayotgan informatsiya shaxs, jamiyat axloqiy, ma'naviy tizimiga qay daraja ta'sir o'tkazishi, ikkinchi darajali masalaga aylanib qolmoqda.

### Adabiyotlar


1. Варакин Л.Е. Глобальное информационное общество: Критерии развития и социально - экономические аспекты. - М.: 2001. 43с.
2. www. infocom.uz.


## КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ВИРТУАЛЛИК: ОНТОЛОГИК ТАҲЛИЛ


*Мухаммадиев Х.Х., ТАТУ СФ*



*В докладе раскрыта сущность термина «виртуальность», «виртуальная реальность», рассмотрены вопросы влияния компьютеров и виртуального мира на человека.*




Инсоннинг иштироки натижасида табиий оламдаги нарса ва ходисаларнинг хиссий образларини компьютер воситалари оркали яратилган моделлари фанда сунъий ёки компьютерли виртуал реаллик, деб ифодаланади. Лекин «виртуаллик», «виртуал реаллик» атамалари билан олдинги вақтларда ҳам олимлар, файласуфлар ва санъатшунослар фойдаланиб келишган. Масалан, фанга Бергсон «виртуал борлик», А.Арто «виртуал театр», А.Н. Леонтьева «виртуал қобилият»[1] тушунчаларини киритишган. Бўрттирилган тасаввурларни яратиш имкониятига эга бўлиш учун фирма эгаси ва яратувчиси – Ж.Ланье шахсий компьютерни ўрганиб чиқиш натижасида виртуал реаллик тушунчаси мазмунини кенгайтирди. «Виртуаллик» терминининг аста-секин ривожланиш натижасида умумилмий тушунчага айланиб қолди. Хусусан, квант физикасида «виртуал зарралар», бошқарув назариясида «виртуал офис», «виртуал менежмент», писихологияда «виртуал қобилият», «виртуал ҳолат», методологияда «виртуал ҳарорат» ва ҳакозо тушунчалар шаклланди.

Виртуал реаллик ғояси «кибермакон» - «cyberspace» сифатида дастлаб У.Гибсоннинг "Neuromancer" (рус тилига таржима қилганда-«Нерво-сочинитель», ўзбекчада шартли равишда «Асабли манзаралар тасвирловчиси») номли техно-утопик фантастик романида вужудга келиб, унда кибермакон миллионлаб одамларнинг жамоавий галлюцинацияси сифатида тасвирланади. Бу ерда жамоавий галлюцинацияни субъектив психологик виртуаллик сифатида кўришимиз мумкин. Бунда бир вақтнинг ўзида турли географик нуқталарда бўлувчи, компьютер тармоғи орқали бир-бири билан боғланган ва ҳар қандай компьютернинг график сифатидаги маълумотларига ўралашиб қолган одамлар макони тушунилади. Кибермакон уни бошқарувчи қиёфасиз суперкорпорациялар, технологиянинг бегоналашуви, пластик хирургия орқали яратилган идеал одам – у мияси ва нерв тизими орқали кибермаконга уланган одам – бу реал одамга нисбатан ижтимоий ва маданий террор сифатидаги ёзувчи яратган йиғма образдир.

Кибермакон — бу дастурий таъминот билан биргаликдаги ва компьютер хотирасидаги информацион ҳудудлар харитасидир. Бу информацияни антропологиялаштириш унга топологик аниқлик усули ва қоидаларини ишлаб чиқишдир. Бунда инсон маълумотларни худди буюмлар каби ишлата олади, бироқ бу гиперфункционал магия (сеҳргарлик) билан қиёсланувчи даражада бўлади.

Компьютерли виртуал реалликнинг функционал концепцияси илдизлари қуйидагилардир:

1) Компьютернинг функциялари дастурий таъминот такомиллашувига боғлиқ равишда тубдан ўзгаришга қодирлиги.

**2) Виртуал реаллик инсон имкониятлари учун электрон информация дунёсида мўлжал олишнинг энг мақбул, кўпроқ «табиий» усулидир.**

Компьютердаги виртуал воқеликда акс этириш жараёнлари мультемедиа режимида содир бўлади, яъни кадрни тўхтатиш, секинлатиш, тезлатиш, олдинга ўтказиш орқага қайтиш ва танафус қилиш мумкин, харакат эса мутлоқ ўзгарувчанлик мақомига эга бўлмайди. Ривожланиш тегишича инверсион бўлиши, яъни орқага қайтарилиши мумкин. Ўзаро таъсирларнинг ранг-баранглиги биз кўниккан дунёвий сабабият шароитларида маълум бўлган сирли хоссаларини номоён этиши мумкин.

Компьютер ёрдамида яратилган виртуал олам модели инсоннинг воқелик ичида мавжудлиги эффектини ҳосил қилади ва хаёлий объектлар билан ишлаш имконини беради. Шу нарса диққатга сазоворки, виртуал воқелик дунёсига инсоннинг чуқур кириб бориши, унга тўла бўйсунишини виртуал воқеликнинг асосий фазилатлари сифатида кўрсатадилар. Демак, компьютер мавжудлигини эътибордан соқит этадиган бўлсак, инсоннинг ўз онги фантазияларида саёҳат қилиши шизоффремияга етаклайди, яъни компьютернинг моделлаштирувчи тизими орқали инсон хаёлат оламини виртуал оламдаги нарса ва ҳодисаларда акс эттиради. Виртуал воқеликнинг мазмуни дунёни такрорлашдан иборат деб уйлаш нотўгри бўлар эди, аксинча у мазкур дунёга киришга ёки уни ҳеч бўлмаса уни тулдиришга йўналтирилган.

Компьютердаги виртуал реалликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсон томонидан яратиладиган артефактлар соҳасига тегишлидир. Компьютер оламидаги виртуал реаллик худди биз ҳис этиб кўрадиган борлиққа ўхшайди. Виртуал реалликнинг таркибий қисмлари билан ишлаш реал жиҳозлар ва предметлар билан ишлашга айнан ўхшашдир. Виртуал реаллик муҳитида ишлаш енгиллик, тезлик билан бирга бўлади, худди ўйин характерига ўхшайди, машина ва ундан фойдаланувчининг бир бутунлиги ҳис этилади, фойдаланувчи виртуал оламга ўтказилади: виртуал объектларнинг таъсири инсон томонидан худди «одатдаги» реаллик каби қабул қилинади. Айнан виртуал реалликнинг мана шундай интерактив имкониятлари шу даражада аҳамиятли бўлиб боришига олиб келмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин, ҳозирги кунда компьтер ва компьютер технологиялари инсон ҳаётининг бир бўлагига айланиб қолди, чунки инсоният компьютер технологиялари ёрдамида яратилган виртуал олам орқали хаёлот оламидаги нарса ва ҳодисаларни акс эттирмоқда ва эришмоқдалар. Компьютер ва ундаги виртуал оламнинг инсонга таъсири масаласи олдимизда турган метаназарий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

## Адабиётлар


1. Арто А. Театр и его двойник. – М.: Мартис, 1993., Бергсон А. Творческая эволюция. – М.: "КАНОН-пресс", "Кучково поле", 1998.,
2. Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. – М.: Изд-во Моск.ун-та, 1972.




# ИНФОРМАЦИОННОЕ РЕСУРСНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ КАК ВАЖНЕЙШИЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

*Мухаммедов М.М., СамИЭС*

*Мақолада таълим сифатини ошириш зарурияти, аҳамияти ва вазифалари, шунингдек, ОТМларга жалб этилган ресурслар таснифи, уларнинг таркибида ахборот ресурсларининг алоҳида ўрни ҳамда ушбу ресурслардан касбий таълим сифатини тубдан ошириш мақсадида фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган.*

Ключевой тенденцией развития экономики является нарастающая по темпам глобализация мирового хозяйства. Современные взгляды и теории дали серьезные обобщения предпосылок и причин глобализации, а также ее социальных и экономических последствий. Решая сложные проблемы успешного развития в составе глобального мирового хозяйства, нельзя не учитывать то важное обстоятельство, что в нынешних условиях основным фактором успешного экономического роста является высококвалифицированный специалист, обладающий творческим и интеллектуальным потенциалом, высокими профессиональными знаниями, инновационным мышлением, социальной активностью и мобильностью, способностью адаптироваться к сложившимся условиям и эффективно реализовать свои потенциальные возможности. Именно он становиться центральным звеном и решающим фактором повышения конкурентоспособности национальной экономики и устойчивости развития любого государства. Учитывая это на всех этапах реформирования экономики и перехода к рыночным отношениям в Узбекистане придается огромное значение решению проблем повышения качества образования и, особенно, профессионального.

Анализ системы высшего образования в республике показывает, что в условиях рыночной экономики вуз приобретает статус субъекта хозяйственной деятельности, а в практику работы вуза все активнее внедряются экономические методы управления со всеми вытекающими из этого последствиями.

Масштабность и сложность целей и задач, стоящих перед высшим образованием, требуют постоянного совершенствования инструментов управленческой деятельности, увязки текущих и перспективных потребностей развития с ресурсной базой высшей школы. Нет сомнений, что на эффективность функционирования вузов, помимо других разнообразных факторов, огромное влияние оказывают количество и качество ресурсов, привлекаемых в сферу высшего профессионального образования.

Термин «ресурсы» (французское resources - вспомогательное средство) обозначает «средства, запасы, возможности, источники дохода в